# ЎЗБЕКИСТОН: ЖАДАЛ СУРЪАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ

**ТУРКИЯНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ СТРАТЕГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ («ТУСАМ») РАҲБАРИ АЛИ КЮЛЕБИЙ ТУРКИЯДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «ЖУМҲУРИЯТ СТРАТЕЖИ» ГАЗЕТАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАСИДА ЎҚУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ МАВЗУСИГА ҚАРАТДИ.**

«Бугунги Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръат билан ривожланиб бормоқда, — деб ёзади эксперт. – Бой табиий заҳираларга эга бўлган мамлакат уларни қайта ишлаш билан бирга саноатнинг турли тармоқларини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият қаратмоқда. Бунинг самаралари, ўз навбатида, иқтисодий кўрсаткичларда акс этмоқдаки, сўнгги олти йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноат улушининг 14,2 фоиздан 22,1 фоизгача ўсгани фикримизнинг исботидир».

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти хусусида тўхталар экан, А.Кюлеби кўплаб мутахассислар бу минтақани «дунёнинг маркази», дея таърифлашига эътибор қаратади. Муаллиф Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаб турувчи улкан империяни бунёд этишда буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг хизматларини алоҳида қайд этади.

Соҳибқироннинг шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик, йўл қурилиши тараққиётига катта эътибор қаратганига урғу берган ҳолда туркиялик эксперт қуйидагиларни ёзади: «Ўз ҳукмронлик даврида Соҳибқирон Самарқандни – улкан империянинг пойтахтини – дунёдаги энг чиройли шаҳарлардан бирига – Шарқ дурдонасига айлантирди. У ўз мамлакатига замонасининг энг машҳур ҳунарманд ва меъморларини, олиму мутафаккирларини таклиф этди. Амир Темур ўз халқи тарихини жуда яхши билар ва уни юксак баҳолар эди. У динни ҳимоя қилди, илм-фанни рағбатлантирди, маданият ва санъатни ривожлантирди, туркий тилни кенг тарғиб этишга ҳар томонлама имконият яратди.

Ўзбекистон минтақанинг маданий ва диний марказидир. Мамлакатда қадимий шаҳарлар билан бир қаторда Имом ал Бухорий, Имом Мотуридий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғилоний, Имом Термизий каби буюк мутафаккирларнинг мақбара ва ёдгорлик мажмуалари жойлашган. Шунингдек, Тошкентда Қуръони Каримнинг жаҳондаги энг қадимий нусхаларидан бири бўлган Усмон Қуръони сақланади.

1997 йилда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қайта тикланган Хоразм Маъмун академияси Ўзбекистонда илм-фанни ўрганиш, буюк аждодларнинг бебаҳо меросини тиклаш ва асраб-авайлаш ишига катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши эса ўзбек халқининг диний қадриятлар ва бой маданий меросни тиклаш ва кўз қорачиғидай асраб-авайлашдаги улкан хизматларининг халқаро эътирофи бўлди».

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этар экан, А.Кюлебий мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг мавжуд заҳиралардан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг истиқболли йўналишларини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишга киришганини таъкидлайди.

«Республика 2007 йилга катта иқтисодий ютуқлар билан кириб келди, — деб ёзади муаллиф. — Бинобарин, 2006 йилда хорижий сармоялар ҳажми 3 миллиард 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Иқтисодиётда экспорт ва олтин-валюта заҳираларининг салмоқли ўсиши кузатилди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди. Бу, энг аввало, саноат ишлаб чиқариши ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга имкон берди. Иқтисодий ўзгаришлар ва ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиздан 2006 йилда 22,1 фоизгача ошди. Хизматлар улуши эса 30 дан 39,5 фоизгача кўпайди».

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзи учун етарли даражада ишлаб чиқарадиган дунёдаги саноқли мамлакатлардан бири эканига тўхталиб, туркиялик эксперт республика раҳбариятининг бу соҳада юритаётган самарали сиёсати туфайли мамлакатимизда пахта, ғалла, мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари йилдан-йилга кўпайиб бораётганига урғу беради. «Саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда Ўзбекистонда экспорт ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2006 йилда бу кўрсаткич 31,5 фоизга ошиб, бу 2000 йилги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир», — дейди у.

Мақола сўнгида муаллиф республикамизнинг иқтисодий истиқболлари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашган. Унинг ёзишича, тўғри йўлни танлаб олган Ўзбекистон ўтган йиллар мобайнида кўплаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Бу эса, ўз навбатида, сармоявий муҳитни яхшилаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш ва хусусий сектор олдида турган тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар жараёнини изчил давом эттиришга имкон бермоқда.

«Сармоявий муҳит, банк-молия ва коммуникация тизимларининг энг юксак халқаро андозалар талабига тўла мос келиши, хусусийлаштириш жараёнини ниҳоясига етказиш Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти учун ҳаётий аҳамият касб этади», — дея хулоса қилади Али Кюлебий.

**Бобур СОБИРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

# CEDAW СТАНДАРТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ТАЖРИБАСИ

**ТОШКЕНТДА БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ, ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ, РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ВА ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА "CEDAW СТАНДАРТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ТАЖРИБАСИ" МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Давра суҳбати "Ўзбекистонда Хотин-қизлар имкониятини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва институтционал салоҳиятини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида уюштирилди. Мазкур лойиҳа CEDAW қўмитаси маълумот ва тавсияномаларини амалга ошириш, гендер муҳитга мослашиш, хабардорликни ошириш орқали гендер масалаларини ҳал этиш бўйича ҳукумат ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Давра суҳбатида Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат идоралари вакиллари, шунингдек, кундалик фаолиятда хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ҳуқуқшунос-экспертлар иштирок этди.

Тадбир давомида Париж олий инстанцияси суди прокурори ўринбосари, Париждаги хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ахборот маркази маъмурий кенгаши аъзоси Франсуаза Гио хоним оиладаги зўравонликка қарши қонунчилик ҳамда оила ҳимояси бўйича механизмлар ижроси юзасидан Франция тажрибаси ҳақида маълумот берди.

— Давлатларнинг жўғрофий жойлашуви ва ривожланиш даражасидан қатъи назар Гендер масаласи бутун дунёда долзарб бўлиб қолаётир. Мазкур масалага БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган ҳужжатларда ҳам алоҳида эътибор қаратилади, — деди БМТ Тараққиёт дастури самарали бошқарув бўлими бошлиғи Шерзод Шерматов. —Ўзбекистонда Гендер тенгликка эришиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа хотин-қизлар ташкилотлари қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Ш. Шерматовнинг таъкидлашича, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва миллий ҳамкорлар биргаликда бу масалалар ечими билан боғлиқ қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Умид қиламизки бугунги давра суҳбати CEDAW конвенцияси қоидаларини Ўзбекистонда импелементацияси имкониятларини кенгайтириш йўлида, мазкур конвенцияни одил судлов ва қонун ижодкорлиги соҳаларида қўллаш масаласи бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш учун хизмат қилади, — деди у.

Хотин-қизларга нисбатан барча турдаги камситишларни тугатиш тўғрисидаги конвенция (CEDAW) БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йилда қабул қилинган эди. У хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон мазкур конвенцияни Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, 1995 йилда ратификация қилди ва икки марта CEDAW қўмитасига конвенция импелементацияси тўғрисида ҳисобот тақдим этди.

**Ғаффор НАСРИЕВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Таълим масканларида*

# ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ



**ЁШЛАРИМИЗНИНГ ИЛМЛИ, ДОНО, ЗУККО ВА СОҒЛОМ БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИ УЧУН БУГУНГИ КУНДА ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАЛАБАЛАР ДАРАЖАСИДА ЯРАТИЛГАН. АЙНИҚСА, БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЧУҚУР БИЛИМ ОЛИШЛАРИГА ЯНАДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Яқинда шаҳримиздаги 123- мактабда «Ҳар томонлама зийрак, қобилиятли ва соғломмиз» мавзуида ўтказилган тадбир жажжи болажонларнинг билимларини, иқтидорларини, саломатликларини янада яхшилашга бағишланди. Унда мазкур мактабнинг ўқитувчилари биринчи синф ўқувчилари, ва Учтепа туманидаги 6-оилавий поликлиника шифокорлари иштирок этдилар.

— Мактабимизда бошланғич синф ўқувчиларига бўлган эътиборимиз жудаям кучли, — дейди мактаб директори Саида Арипова. — Чунки бу жажжи, беғубор болажонлар ҳар нарсага қизиқувчан, жуда зийрак ва шунинг баробарида интилувчандирлар. Шунинг учун ҳам уларнинг қалбларида Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, ўқишга меҳр, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат туйғуларини ҳозирданоқ шакллантириб, ўзларига бўлган ишончларини орттириб боришимиз лозим. Улар мисоли бир нав-ниҳол, қандай парваришласангиз шундай ҳосил беради. Ўқув йилининг сўнгги кунларида бу тадбирни ўтказишимиздан мақсад эса, болажонларимизнинг наинки ўқишга, балки ёзишга, расмлар чизишга ва соғлиқларига бўлган масъулиятни янада ҳис қилишга ундашдан иборатдир. Умид қиламизки, улар таътил кунларида ҳам ўз билимларини янада мустаҳкамлаб, соғлиқларига бўлган эътиборни ўзлари ҳам назорат қилиб боришга ўрганадилар ва зарарли одатларини ташлайдилар, жумладан масъуллик ҳиссини сезадилар.

Тадбир доирасида ўқувчилар ўқитувчилар ёрдамида турли хил ўйинчоқлар ясадилар. Ўзлари мустақил ҳолда расмлар чиздилар ва устозлари томонидан берилган топшириқларни пухта бажаришга муваффақ бўлдилар. Шифокорларнинг озодаликка, саломатликка оид саволларига ҳам қониқарли тарзда жавоб бердилар.

Тадбир доирасида шифокорлар ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Энг ғолиб ўқувчиларга мактаб жамоаси томонидан совғалар топширилди, ўз навбатида жажжи болажонлар ҳам, ўзларининг қўшиқлари, Ватан, она, ўқитувчи, болалик ҳақидаги шеърлари билан устозларини мамнун этдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**



# ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРОРИ — «ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАР»НИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИДИР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг **адолатсизлиги** шундаки, ЕИ Ўзбекистонга икки марта ўз делегациясини жўнатди. Уларнинг аъзоларига Ўзбекистон томонидан фожеали воқеалар юз берган жойларга бориш, у ерда гувоҳлар билан бевосита суҳбатлашиш имконияти яратиб берилди. Амалда эса, воқеаларнинг ҳаққоний манзарасини аниқ кўрсатиб берувчи кўплаб далиллар мавжудлигига қарамай, гўё Ўзбекистон айрим Европа давлатлари назарида муқаррар «айбдор» бўлиши керак, деган таассурот қолмоқда.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг **хавфлилиги** шундаки, ЕИ халқаро муносабатлар соҳасида ЕИ санкцияларини қўллаш сиёсати одатий ҳолатга айланиб бораётганини кўрсатувчи ўзининг «ноёб» концепциясини яна бир карра намоён этди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (Вашингтон сингари) ким кучли бўлса, ўша ҳақ, деган ягона қонунга амал қилишдек аянчли иллатга хос аломатларни кўрсатмоқда. Улар ана шу мақсадларига эришиш учун атай ўйлаб топилган «инсон ҳуқуқлари» билан боғлиқ тезислардан фойдаланмоқда. Ушбу хатти-ҳаракатларнинг асл замирида эса узоқни кўзлаган геостратегик мақсадлар, аниқроғи, энергия манбаларини қўлга киритиш режаси ётибди.

Европа Иттифоқининг мазкур қарори эркин, тенг ва суверен мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай мантиққа асосланишини нотўғри тушунишнинг яна бир намойиши бўлди.

**Миср ташқи ишлар вазири ўринбосарининг ёрдамчиси Фаргали Таха** Тошкентдаги Миср элчихонасида ишлаган ўша 2005 йилдаёқ қатор Ғарб мамлакатларининг Андижон воқеаларига ёндашувига нисбатан салбий муносабат билдирганини қайд этди.

Ф.Таха Миср ҳар доим бу масалада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаганини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини таъкидлади. У Европа Иттифоқи давлатларининг асоссиз хулосаларини қоралади. Унинг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу позицияси Европа давлатларининг улкан имкониятларга эга Ўзбекистон Республикаси билан муносабатини ривожлантиришга монелик қилади.

**Халқаро стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Одил Сулаймон** Европа Иттифоқи қарорини танқидий баҳолар экан, "Ғарб давлатлари бошқа мамлакатларда рўй бераётган жараёнларни нотўғри тушуниб, оқибатда террорчилик фаолияти ортида турган бузғунчи кучларни ҳимоя қилиб, номуносиб йўл тутмоқда", — деди.

О.Сулаймон Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи Кенгаши хулосасига нисбатан берган адолатли жавоби тўғри эканини таъкидлади.

**"Нухба" тадқиқот маркази (Миср) раҳбари Аҳмад Фода** Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2007 йил 15 майдаги баёноти билан танишиб чиққач, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилганини айтди.

Унинг фикрича, Европа Иттифоқи Ғарбга хос демократик қадриятларни бошқа мамлакатларга тиқиштиришдан аввал, муайян жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар ушбу мамлакат аҳолисининг менталитетига асосланишини яхши англаб олиши даркор.

**Кувайтда** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти Ўзбекистон томонининг барча манфаатдор томонлар билан холис мулоқотга тайёр эканини тасдиқловчи пухта ўйланган ҳамда аниқ далилларга асосланган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Масалан, **Арабистон очиқ университетининг Кувайт филиали директори, сиёсатшунос Фаҳд ал-Мекрад** Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, бу ерда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ўзгаришлар жадал ва изчил амалга оширилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Шу муносабат билан у, давлат бошқарувини демократлаштириш, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтириш борасидаги ишлар муҳим самаралар бераётганини таъкидлади.

У дунёнинг барча мамлакатларида давлатга қарши жиноят ҳисобланган конституциявий тузумга тажовуз қилишга оид фактларни текшириш мазкур давлатнинг ички иши экани ва бу жараёнга четдан аралашувларга асло йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди.

Фаҳд ал-Мекраднинг фикрича, Ўзбекистоннинг бир неча Европа экспертлари гуруҳларига 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар юзасидан тергов ва суд жараёнлари материаллари билан танишишга рухсат бергани республика раҳбарияти мулоқотга тайёр эканининг яна бир далилидир.

Сиёсатшуноснинг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мазкур баёноти ўзини "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар" деб атайдиган баъзи кимсаларнинг ғаразли, ҳақиқатдан йироқ баёнотларига таянадиган, Андижон воқеаларини текшириш натижаларини қасддан бузиб кўрсатишга ва Ўзбекистон танлаган демократик ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини шубҳа остига қўйишга интилаётган айрим кучларга нисбатан аниқ далиллар билан исботланган жавоб сифатида кўриб чиқилиши лозим.

**("Жаҳон" — ЎзА)**

# ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА БАҒИШЛАНДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМИ, ЖУМЛАДАН, НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Инклюзив таълим — имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни соғлом тенгдошлари билан бир хил шароитда ўқитиш ва тарбиялаш демакдир. Таълимнинг бу шакли ногирон болаларнинг қобилият ва иқтидорини намоён этиши, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро шаҳрида Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Special Olimpics" ташкилоти, "Меҳр нури", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамкорлигида ўтказилган халқаро анжуманда шу хусусда сўз юритилди. Унда имконияти чекланган болалар билан шуғулланувчи соҳа ва муассасалар вакиллари қатнашди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда инклюзив таълим доираси тобора кенгайиб бораётганини таъкидладилар. Шу билан бирга, имконияти чекланган болаларнинг соғлом тенгдошлари билан баравар ўқиши ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги ишларни янада кучайтириш даркор.

"Умр" нодавлат ташкилоти саъй-ҳаракатининг маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланиши туфайли Навоий шаҳрида учта мактабгача таълим муассасасида имконияти чекланган болалар гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Термизда эса "Имкон" жамоат ташкилоти ногирон болалар учун махсус ўқув марказини очган.

Анжуманда сўзга чиққан "Special Olimpics" ташкилоти вакили Мариан Мерфи юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳавас қиларли даражада эканини, бу ердаги тажриба бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкинлигини қайд этди. Россиядаги "Перспектива" жамоат ташкилоти директори Р.Денис, Қозоғистон Халқ таълими вазирлиги вакили А.Айдарбекова мамлакатимизда инклюзив таълим соҳасида тўпланган тажрибага юксак баҳо берди. Шу маънода ушбу анжуман ҳар жиҳатдан фойдали бўлганлигини таъкидлади.

Анжуманда инклюзив таълимни ривожлантириш учун мактабларда тегишли шарт-шароит яратиш, ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа ресурсларга бўлган талабни қондириш ҳамда имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар билан иш олиб борадиган ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш, таълимнинг бу шаклида узлуксизликни таъминлаш, спорт, меҳнат ва санъат имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...*

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## *ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ*

**ҲИКМАТЛАР**

Бовар этма, ул неча онт ичса ҳам,
Билмагай онту қасамни муттаҳам.

* * *

Лутфу эҳсон кинага малҳам бўлур.

* * *

Гар улуғ бўлса сафарда карвон,
Йўлтўсарлар янчилур, топмас омон.

* * *

Кони ганж эрмиш жаҳонда ҳар вужуд.

* * *

Бир нафас кетсанг жамоатдин, ҳамон,
Макри шайтон деб буни бил бегумон.

* * *

...дўстларни тарк этмоқ ёмон.

* * *

Боши айланган киши ўйлар магар?
Бошимас, атрофида уй чарх урар.

* * *

Эр киши хотинга бўлсин эҳтиёт,
Айлама ноқис ақлга эътимод.

* * *

Буғдой олмоққа киши қасд қилгуси,
Якка буғдоймас, сомон ҳам олгуси.

* * *

Ҳар бир ишда маслаҳат вожиб эрур,
То пушаймонлик кейин кам-кам бўлур.

* * *

Нафс вале бор ишни вайрон истагай,
Элни гумроҳликда сарсон истагай.

* * *

Майлига, нафсинг била қил машварат,
Йўлига юрма, хилофин эт фақат.

* * *

Чун ақллардин ақл қувват олар,
Найшакар ёнида ўсгай найшакар.

* * *

Гарчи кўкларни кезар ақлу ҳушинг,
Пастда санқийди вале тақлид қушинг.

* * *

Фаҳму дониш бўлмаса сенда тайин,
Удни гўнгдин ажратолмайсен, қийин.

* * *

Кўр кишига ўғри гар бедод этар,
Кўр не айлар—нолаю фарёд этар.

* * *

...бўлсин ҳикмат ҳосилинг.

* * *

Деди: уч турлик хотин билгай жаҳон,
Иккиси—ранждир, бири—ганжи равон.

Ул бириси, ўйлаким, буткул сенинг,
Ул бири—ярми сенинг, ярми унинг.

Ул бири эрса тамом бегонадир,
Ташла, кетгилким, ўшал ордонадир...

Шайх қайтди, деди: эрса бикри хос,
Қиз эса ул, топгасен ғамдин халос.

Ярмиси сенга тегиш ул—бевадир,
Ул тамом бегона—ўзга шевадир.

Ўзгадирким, ўзгадан фарзанди бор,
Сенгамас, фарзандга этгай эътибор.

* * *

Ақлу нақлим—ганжу мен—вайронамен,
Ганжни ошкор айламас, девонамен.

* * *

Шул палид нафсдин халос эт, сур нари,
Устухонларга қадалди ханжари.

* * *

Парча гўштнинг номи тилдирким, нуқул
Оқизур дарёйи ҳикматларни ул.

* * *

Она жисми ёнмагунча дард ила,
Йўл тополмайди чиқишга ҳомила.

* * *

Қичқирар эрса агар бевақт хўроз,
Чораси—бошини узмоқдир, холос.

* * *

Қаҳр этиб, гар солса бошингга фироқ,
Васли қадрини билурсен яхшироқ.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

